2001 ЙИЛ 30 ноябр, ЖУМА

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Qishloq HAYOT

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

№ 143 (6.356).Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ИСТИҚБОЛ МАШЪАЛИ

Демократия – бу Конституция ва қонунлар доирасида эркинлик демакдир. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Конституцияси қонунчиликнинг бузилиш ҳолларига, тартибсизлик ва зўравонликларга йўл қўймайди, жамиятнинг бўлиниб кетиши, этник ва диний гуруҳлар тўқнашуви, антидемократик ҳаракатларнинг олдини олади.

(1-2-саҳифаларда)

МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР -ТАЯНЧИМИЗ

Яна бир қувонарли ҳолат. Фарзандлари дардини оғирлаштириб келувчилар сони тобора камаймоқда. Касалликнинг бошланиш давридаёқ ёки гумон туғилган заҳотиёқ мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда. Бу эса ҳам бемор учун, ҳам шифокор учун анча енгил бўлмоқда.

(1-4-саҳифаларда)

"КИТОБ - МЕНИНГ ДЎСТИМ"

-Ўзбек қўшиқчилик санъатида Фарғона – водий, Хоразм ҳамда Фарғона – Тошкент каби йўллар бор. Фарғона санъати азалдан гуркираб ривожланган. Сабаби аҳоли кўп бўлган жойда истеъдодлар ҳам кўп учрайди. Улар орасидан энг зўри рўёбга чиқади. Умуман олганда водийда яхши санъаткорларимиз бисёр.

(1-4-саҳифаларда)

ҚУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Москва шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатини эркаклар ўртасидаги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган энг кучли шахматчимиз Рустам Қосимжонов россиялик Николай Власовни мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди.**

● Мамлакатимизда яна бир нодавлат-нотижорат ташкилот -Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси таъсис этилди.

● **Республика «Маънавият ва маърифат» марказида аҳолининг таълим муассасалари билан қамраб олинмаган қатламлари орасида миллий истиқлол ғояларини сингдириш хусусиятларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

● Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги академик лицейда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **Бўка туманида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Унинг хизматидан F.Азаматов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилаётган етти мингдан зиёд аҳоли фойдаланиши мумкин.**

● Жиззахда вилоят от спорти ҳудудий федерациясининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

● **Навоий вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид бошқа қарорлар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● «Экосан» халқаро жамғармасида «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказишнинг учинчи босқичи якунлари ҳамда Оналар ва болалар йили муносабати билан ишлаб чиқилган «Экология, оналик ва болалик» дастурининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **Фарғона шаҳрининг Қирғули туманидаги «Кимёгар» спорт саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб «Соғлом авлод учун» жамғармаси кубоги учун бадиий гимнастика бўйича 1-республика мусобақаси бошланди.**

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил топганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан Россия пойтахтида МДҲ давлатлари раҳбарлари иштирокида саммит ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу олий даражадаги учрашувда қатнашиш учун 29 ноябр куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.

Учрашувда асосан МДҲнинг ўн йиллик фаолияти якунлари ҳамда Ҳамдўстлик доирасида келгусида қилинадиган ишларга оид масалалар муҳокама қилинади.

- МДҲни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо ҳудудини яратиш, чегара ва божхонага оид қонун-қоидаларни мувофиқлаштириш ва бу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш эди, -деди Президент сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида. - Аммо, айрим давлатлар бу мақсадларга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, Ҳамдўстликка бошқача тус берди ва қандайдир ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишга берилиб кетди. Натижада, МДҲ доирасида имзоланган талай ҳужжатлар ижро этилмай қолди. Кўплаб кераксиз кенгашлар тузилди ва бу маълум даражада Ҳамдўстлик обрўсига зиён етказди. Умуман, аввал бошдан ҳамма нарса иқтисод негизида ташкил қилинганида эди, сиёсий ва ижтимоий масалалар ҳам бирин-кетин ўз ечимини топган бўларди.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲнинг келажаги ҳақида гапирар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, Ҳамдўстлик доирасида истиқболда қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Бунда биринчи навбатда МДҲ таркибида ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишдан воз кечиш ва асосий эътиборни иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга қаратиш лозим. Айниқса, Ҳамдўстлик доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар ижросини таъминлашга катта ёрдам беради, деди давлатимиз раҳбари.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА мухбири.

* * *

Москва. 29 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Президент Ислом Каримов Москвага етиб келиши билан саммит доирасидаги икки томонлама учрашувларни бошлаб юборди.

Давлатимиз раҳбари Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе, Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов ва Молдова президенти Владимир Воронин билан учрашди. Учрашувларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Саммит доирасидаги асосий тадбирлар эртага бўлиб ўтади.

(ЎзА)

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА - КЕНГ ЙЎЛ!

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг чуқурлашувида, шубҳасиз, деҳқон ва фермер хўжаликларининг беқиёс ҳиссаси бор.

Айни вақтда республикамизда ана шундай мулкдорлар синфи вакилларидан қарийб 52 минг 300 нафари мустақил фаолият юритмоқда.

Улар деҳқончилик қилаётган ер майдони эса 1 миллион 38 минг гектардан ошди. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан қарийб 170 баробар кўпдир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимизда фермер хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарали ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда шу рақамлар алоҳида қайд этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мазкур йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ҳудудий агросаноат корхоналари бошлиқлари, фермерлар ҳамда айрим туман ҳокимлари ва ширкат хўжаликлари раислари иштирок этди.

Йиғилишда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари А.Жалолов, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А.Бобомирзаев, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов, Қумқўрғон туманидаги «Мирзо Улуғбек» фермер хўжалиги раҳбари И.Қоралов, Фарғона вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг кўплаб янги шаклларига қарор топаётгани, деҳқонларда ерсувга эгалик ҳиссининг тобора мустаҳкамланаётгани Президент Ислом Каримовнинг бу борада узоқни кўзлаб юритаётган доно сиёсатининг ёрқин натижасидир.

Айни вақтда фермер хўжаликларининг иқтисодиётимизга қўшаётган ҳиссаси тобора ортмоқда. Масалан, улар жорий йилда давлатга дон сотиш бўйича контрактация шартномаларини 100,4 фоиз бажарди. Давлатга пахта сотиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари пилла, мева, узум, сабзавот, гўшт, сут каби чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни аъло даражада уддалаб, хорижга ўнлаб минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилди.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан зарар кўриб ишлаётган 52 та хўжалик қайта ташкил этилганди. Уларнинг ўрнида юзага келган фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Бу хўжаликлар ўз вақтида йилни 463 миллион сўм зарар билан якунлаган бўлса, мулкчилик шакли ўзгартирилгач, фермерлар бир мавсумдаёқ йилни 421 миллион сўм фойда билан ниҳояламоқда.

Афсуски, республикамиздаги барча фермерлар иш фаолиятини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу борада иш юритаётганлар орасида ҳам фақат ўз манфаатини ўйлаб, мавжуд қонунларимизга зид иш тутаётганлар йўқ эмас. Жумладан, айрим жойларда фермер хўжаликлари раҳбарларининг умумхалқ мулки бўлган ердан мақсадсиз, ўзбошимчалик билан фойдаланиши ҳоллари кўплаб учрамоқда. Масалан, Когон туманидаги «Гайбулло-98» фермер хўжалиги экин майдонидан унумли фойдаланиш ўрнига уни Бухоро ғишт заводига ижарага бериб қўйган.

Йиғилишда мавжуд муаммолар ва фермерлик ҳаракатининг янада кенг қулоч ёйишига тўсқинлик қилаётган масалалар юзасидан ҳам фикр-



мулоҳазалар билдирилиб, уларни жойларда ҳал этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Фермерлик фаолияти бўйича тўпланган бой тажриба ва кўникмалардан келиб чиқиб, бу борадаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур таклифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳа; Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги "Илғор" фермер хўжалиги раҳбари Ойсанам Жуманова ҳамда қумқўрғонлик илғор фермер Ибодулла Қоралов ўзаро мулоқотда.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

НАВНИ ДЕҲҚОН ТАНЛАЙДИ

Кеча 2002 йил ҳосили учун ғўза навларини жойлаштириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисни республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков олиб борди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 ноябрдаги "1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорида уруғчиликни юритиш, пахта навларини жойлаштириш ва янгилаш ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, пахтанинг рўйхатдан ўтказилган кўплаб навлари республиканинг турли минтақалари табиий-иқлим шароитларига жавоб бермаслиги, тола чиқиши камлиги, вилт ҳамда бошқа касалликлар ва зараркунандаларга чидамли эмаслиги, толасининг технологик кўрсаткичлари халқаро андозалар талабига жавоб бермаслиги қайд этилган эди.

Хўш, бу борада қандай тадбирлар амалга оширилди? Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, 1999 йилда ташкил этилган 19 та элита уруғчилиги хўжаликлари сони 89 тага етказилди. Бу хўжаликлар ҳисобидан 350-400 минг гектар майдонда экишни таъмин этадиган миқдорда уруғлик чигит тайёрланди. Натижада харидоргир бўлмаган навлар халқаро андозалар талабига жавоб берадиган навлар билан алмаштиришга эришилди.

2002 йил ҳосили учун ҳам пахта навларини жойлаштириш масаласи қуйидан, яъни пудратчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, хўжалик раислари, мутахассислари ўртасида, сўнг туман ва вилоятлар миқёсида муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида уларнинг таклифлари ҳисобга олинди.

Навларни жойлаштириш бўйича ўтказилган бу тадбирда эса вилоятлардан олинган таклифлар атрофлича кўриб чиқилди. Ана шу нуқтаи назардан Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиевнинг ахбороти, Қорақалпоғистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари, олимлар ва пахтачиликка дахлдор республика идора ва ташкилотлари вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири – Агросаноат мажмуининг раҳбари Т.Холтоев қатнашди.

(Ўз мухбиримиз)

ДАЛАЛАРДА УНАЁТГАН РИЗҚ

Гулистон туманидаги "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалиги раҳбари Абдураззоқ Абдуназаров пудратчи Самад Бойжигитов билан бир текис кўкариб, бахмалдек товланиб ётган майсазорларни кўздан кечириб юрарди. Даланинг ўртасига етгач, раис энгашиб, буғдой ниҳолларига синчиклаб разм солди.

-Майсаларнинг ривожи яхши, кўз тегмасин, - деди қониқиш билан. – Ҳозирча бир квадрат метр жойда камида 800-900 тупдан кўчат олинган.

-Ниҳоллар тупласа, бу рақам янаям кўпаяди, - дея гапга қўшилди Самадвой ҳам.

-Албатта-да, - раис унинг гапини қувватлади. – Қани, ўзимизча бундай майдондан қанча ҳосил олиш мумкинлигини бир хомчўт қилиб кўрайлик-чи.

-Қандай қилиб? - ҳайрон бўлди Самадвой.

-Хўш, бўлмаса, гап бундай, - дея ҳисоб-китобни бошлаб юборди раис. – Агар парвариши яхши бўлса, бир квадрат метр майдондан ўрта ҳисобда бир ярим мингтача бошоқ етилади. Ҳар бир бошоқда ўртача 60-70 донадан буғдой бўлса, у 4-5 грамм тош босади. Энди бир гектар майдонда қанча бошоқ бўлишини ҳисоблаб кўрайлик. Хм... Демак, гектаридан ўрта ҳисобда 40 миллион дона буғдой бошоғи пишиб етилади. Бу рақамни бошоқларнинг оғирлиги билан кўпайтириб чиқсак, демак, ёзда ҳар гектар майдондан тахминан 60 центнердан хирмон кўтариш мумкин экан.

-Зўр-ку, раис бува, - деди боядан бери раиснинг ҳисоб-китобларини ажабланиб тинглаб ўтирган Самад Бойжигитов мамнунлигини яширолмай. – Агар гектарига 60 центнердан ҳосил олсак, режаларни дўндириб, ўзимиз ҳам бойиб кетарканмиз-да.

-Шошилманг, Самадвой, - деди раис жилмайиб. – Булар шунчаки хомаки ҳисоб-китоблар. Бундай натижага эришиш сизу бизнинг ўзимизга, қиладиган меҳнатимизга боғлиқ. Бунинг учун, аввало, ғалла майдонларига етарлича маҳаллий, азотли ва маъданли ўғитлар билан ишлов бериб, ернинг қувватини ошириш ҳамда майсаларни керагича суғориб туриш зарур бўлади.

-Буни ўзим ҳам яхши биламан, - бўш келмади Самадвой ҳам. – Мана бу йил ғаллани анча барвақт экдик. Насиб этса, яна ғалла ҳирмонимиз мўл бўлишига шубҳа йўқ.

Биз бу суҳбатни бежиз келтирмадик. Зотан, яхши ниятлар билан ерга уруғ сочган ҳар қандай деҳқон бугунги кунда бўлиқ майсазорларни кўздан кечира туриб, ўзича ундан олинадиган ҳосил ҳақида ўйлаши, бунинг учун қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб олиши тайин. "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалиги раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Абдураззоқ Абдуназаровнинг таъкидлашича, ғаллачилик соҳасида айни вақтларда қилинадиган меҳнат жуда катта аҳамиятга эга.

МАВСУМ

Мазкур хўжаликнинг ушбу соҳада эришаётган натижалари ҳақида тўхталадиган бўлсак, жорий йилда давлатга қарийб 2000 тонна сара дон сотилиб, бу борадаги режа ортиғи билан адо этилди. Ҳосилдорлик эса гектарига ўртача 30 центнердан тўғри келди. Икром Эсиргапов, Бекқул Бекболаев, Абдумавлон Қаландаров сингари бир қанча оилавий пудратчилар эса ҳар гектаридан 50-60 центнердан сара дон етиштириб, бошқаларга ўрнак бўлишди. Натижада режадан ортиқча етиштирилган доннинг 80 тоннаси илғор ғаллакорларга мукофот тариқасида бепул тарқатилган бўлса, яна 200 тонна буғдой одамларга бозордагидан анча арзон нархларда сотилди.

Хуллас, ҳалол меҳнати туфайли омбори донга тўлиб, кўнгли хотиржам бўлган хўжалик аҳлининг ҳам кайфиятлари чоғ бўлди.

-Бу йил жами 800 гектар майдонга уруғ қадаганмиз, - дейди Абдураззоқ Абдуназаров. – Дон экишни барвақт якунлаганлигимиз боис, 1 ноябргача барча майдонларда тўлиқ кўчат олишга эришдик. Ғалла майдонлари оилавий пудрат асосида одамларга бўлиб берилган. Айни пайтда далаларга етарлича аммофос, калийли ва азотли ўғитлар билан ишлов бераяпмиз. Шунингдек, яқинда ғалла майдонларини тўлиқ суғориб чиқдик. Асосийси, бу йил керакли ўғитларни вақтида олиб турибмиз.

Хўжаликда мавжуд ғалла майдонларини пайхондан асраш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳалла фаоллари, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда.

Яна бир ибратли жиҳати, хўжаликда аҳоли гавжум яшайдиган жойлардаги майсазорларни чорва моллариданасраш мақсадида бундай майдонлар четан деворлар билан ўраб чиқилган. Қолаверса, эндиликда ҳар бир пудратчи ўзига бириктирилган ғаллазорларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳаракат қилишаяпти. Шу боис ҳам бу ерда майсазорларнинг пайхон қилиниши олди олинмоқда.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси демократик жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлади.

Ушбу асосий қонун умумхалқ муҳокамасига қўйилгандан сўнг, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президентимизнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди.

Жумладан, Юртбошимиз: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкам асосий Қонунлайди. Бу ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради"- деб Конституциямизга ишонч билдирган эди.

8 ДЕКАБР - КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 128-моддани бирлаштирувчи 6 бўлимни ўз ичига олади. Конституция муқаддимаси жуда қисқа ва юқори савияда ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон халқи мазкур Конституцияни давлатнинг тенг ҳуқуқли хўжайини сифатида ўз хоҳиш-истакларини билдирувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинганлиги эътироф этилган. Конституциянинг биринчи бўлими конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари ҳақидаги ахборотдан иборат. Иккинчи бўлимни эса инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, шахсий ҳуқуқларининг умумий ва ҳажмий тизимидир. Қонуний равишда айтганда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимни тўлдиради.

(Давоми 2-бетда)

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

"Қишлоқ ҳаёти"
Сизга ишда, ўқишда, оила даврасида энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй. Газетамизга 2002 йил учун обуна бўлишни унутманг! Бизнинг индекс: 144.

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ - КАМТАРЛИКДА

Водийнинг ўзига хос санъаткорлари қаторидан жой олиб улгурган хушовоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов билан кечган мулоқотимизни бироз ноанъанавий савол билан бошладик:

-Илҳом ака, кейинги пайтларда қўшиқ айтувчилар кўпайиб кетди-ёв, шундай эмасми?

-Тўғри айтасиз. Лекин саволингиздаги "қўшиқ айтувчилар" жумласига бир изоҳ киритмоқчиман. Дарҳақиқат, бундайлар кўп, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий хонанда ҳисобланмайди. Тўрт қатор шеър ёзувчини иккита латифа десак, у ҳолда келаверамиз.

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

Менимча ҳамма шоир десак, ёхуд айтганни қизиқчи бачканаликка дуч ўз ишини билиб, меъёрига етказиб бажарса яхши бўларди.

-Шундай дейсиз-у, лекин хонандалар орасида ҳам кино ёки театрда рол ижро этаётганларни ҳам кўряпмиз-ку?..

-Кўришга-ку кўряпмиз, бироқ уларнинг сохталикдан узоқда эмаслигига ҳам гувоҳмиз-ку. Шу ўринда халқимизнинг топиб айтган бир нақли ёдга тушади: "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин". Бировнинг ишига бурнини тиқадиганларни, қўлидан келмаса-да, ўзича янгилик яратмоқчи бўлганларни жиним суймайди...

-Келинг энди мавзуни бироз "юмшатиб" сизни вояга етказган муҳит ҳақида гаплашсак.

-Маъқул. Болалигим қишлоқда, оддий ўқитувчи оиласида кечган. Ота-онам мени, беш опам ва икки акамни ҳеч нарсадан кам қилмай ўстиришган. Азиз ота-онамнинг бизларни вояга етказгунларига қадар қанақа қийинчиликларни бошдан кечирганларига мана энди тушуниб етяпман. Ҳалол одамларнинг ҳалол нонини еб катта бўлганимдан фахрланаман.

(Давоми 4-бетда)

2001 ЙИЛ – "ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ"

"Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган 2001 йилнинг якунланишига ҳам оз қолди. Ўтган даврда барча жабҳаларда йилимизнинг бош шиори алоҳида эътиборда бўлди. Ҳар бир соҳада оналар ва болаларнинг соғлом бўлишлари, яхши тарбияланишлари учун имкон қадар шарт-шароитлар яратишга эришилди.

Марказимиз 1998 йилда иш бошлаган бўлиб, шундан буён жаҳоннинг энг илғор фирмалари ишлаб чиқараётган, юқори даражадаги аниқликда ишловчи 68 турдаги аппаратлар ишлатилиб келинмоқда. Шулардан 38 таси Япония гранти асосида олинган. Кунига 120 кишига тўлиқ

ТАСАВВУРДАГИ ЭВРИЛИШ

Ортга назар ташларканмиз, саъй-ҳаракатларимиз муваффақиятидан қувонишга ҳаққимиз борлигини, улуғ ра олмаган ишларимизни давом эттириш иштиёқи асло сусаймаганлигини ҳис қиламиз.

Бизнинг ташхис марказимиз вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасидаги асосий бўлимлардан ҳисобланади. Бу ерда фақат шифохонада даволанаётган беморлар эмас, балки нажот истаб келаётган барча мижозларга энг замонавий тиббий техник асбоб-ускуналар воситасида хизмат кўрсатилади.

ташхис қўйиш имкони мавжуд. Бир беморда бир неча текшириш олиб борилишини ҳисобга олсак, иш кўлами анча кенглиги тушунарли бўлади. Бошдаги дардни, миядаги ўзгаришларни, уларнинг асосларини, ички аъзолар аҳволини, туғма нуқсонларни аниқлашдаги тезкорлик ва бехато хулосага кела олиш марказ нуфузини оширмоқда.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА: ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАЯНЧИ | МЕҲРДАН ТУҒИЛГАН БАРАКА | САҲНАДА СЎЗ АЙТИШ БАХТИ



"ЎТ ҚЎЙГИЧ"

Бандихонда Усан акани кўпчилик "Ўт қўйгич" дейди. Бунинг сабаби шундай: Ўн беш йиллар хўжаликда трактор ҳайдади. Сўнг трактори "адо" бўлди. Эскириб, ҳар куни "запчаст" ейдиган бўп қолди. Гаражга обориб ташлади. Икки йил тракторсиз юрди.

Ҳар йил ўн йилдай ўтди. Чидаёлмади. Тоқати тугади. Уйдаги молларни сотиб, озроқ қарз кўтариб, хусусий трактор олди. Сал эскироқ, лекин зўр. "Газ"ни босса 40-50 га тортади. Бир ҳафтадирки, Усан аканинг ошиғи олчи: трактори бор!

Лекин бир куни...

Тушдан кейин Усан ака ишдан қайтди. Бугун ўн икки минг сўм пул ишлади! Омади кулди. "Газ"ни бо-осиб уйга жўнади. Тракторни ракета қилиб ҳайдади. Ҳовлисига кириб, тракторни ўчирди-ю, қандайдир одамларнинг шовқин, бақиришини эшитди. Ҳамма югуряпти! Оҳ-ху-у! Қишлоқнинг ярмига ўт кетяпти! Ёнғин! Беш... олти... жойда! Тутун кўкка ўралайди. Усан ака-ям чопди. Одамлар тилида бир хил гап: Усан аканинг тракторидан дахшатли учқун – ўт чиқди. Ана! Тўрт уйдаги хашаклар уюми, икки ҳовлидаги молхонага ўт кетди... Дахшатли ёнғиндан одамлар ўт бўб қизиб бораётир, Усан аканинг ичи музлаётир...

Ёнган нарсалар пулга чақилди. Қамалиб кетишига оз қолди. Тракторни сотди. Барини тўлади. Ана шундан номи "Ўт қўйгич Усан ака" бўб кетди. Уч ойдирки, трактори йўқ. Дунёга сиғмай юрибди...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти.

"ҚАҲРАМОН" ОТА

Холмирза аканинг ёши 40 дан ошди-ю, кутилмаганда ҳаммани ҳайрон қолдириб шундай меҳнаткаш, ҳаракатчан бўлиб кетдики, қойил қоласиз.

Аввалига қишлоқдошлари унинг бундай тез ўзгариб қолганини тушунмадилар, бироқ "ишчан"лигининг сабабини билгач, ажабланмай қўйдилар...

Холмирза ёшлигидан поезд ҳайдовчиси бўлиб ишлагани учун унинг асосий вақти кўчада ўтди. Ёшлик – бебошлик деганларидек, Холмирза тушмагур бошқа жойлардан уйланиб ҳам олди. Бошда ҳеч нарсанинг ташвиши йўқ эмасми. Холмирза ҳам тараллабедод қилиб юраверди. Ёши улғайган сайин ташвиши ҳам кўпайди. 40 ёшни қоралаб қўйгач, дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрса, 4 хотинидан 15 та фарзанд кўрибди. Энди уларни уйли-жойли қилишнинг ўзи бўладими? Холмирза бу ташвишнинг зўридан бир ерда кўним тополмай қолди. Ҳали поездга миниб Москвага жўнаса, қайтиб келиб далага югуради. Яқинда яна бир янгилик эшитдик, Холмирзанинг 16-фарзанди туғилибди...

Бахтиёр ЁҚУБОВ

"ИЯГНОЙ" ҚАЕРДА?

Аллаберди махсум ҳазил-мутойибага ўч, ҳозиржавоб, шоиртабиат одам. Кўнгироқдек овози бор, завқи жўшиб кетса, тарелкани олиб "Ушшоқ"ни шундай хиргойи қиладики, тингловчилар сел бўлиб кетади.

Гарчи институт таҳсилини кўрмаган бўлса-да, олий маълумотли йигитлар билан баҳслашишни, уларни "бўрдоқи" саволлар билан мот қилишни хуш кўради. Жумладан, унинг бисотида шундай жайдари саволлар бўлади: "Атала неча даражада қайнайди?", "Янтоқнинг томири неча метр чуқур кетади?", "Мушукнинг кексаси қандай аталади?", "Сув оғирми ёмғир?" ва бошқалар.

Яқинда махсум зарурат туфайли шошилинч Қарши шаҳрига иш билан тушибди. Йўлда қаншаридан сизлоғи чиқиб, роса безовта қилди, эртаси шишиб, кучли оғриқ бера бошлади. Қаршида ўн йиллар олдин бўлган, шаҳар ҳам ўзгариб кетибди. Унинг тахминича, бир поликлиника бўларди, ўша ерда ярасини бойлатувди. Чамалаб жўнади, аксига олиб муолишдан сўнг муолиш пайдо бўлаверади-ю, сиҳатгоҳдан нишон йўқ. Ўзиям, лорсиллаб роса юрди, изига қайтаман деса анча йўл босиб қўйди.

Ниҳоят, навбатдаги қайрилишдан сўнг кўзга таниш бино кўринди. Унинг эшигини топиш ҳам осон бўлмади. Оқ халатли аёлларга кўзи тушгач, кўнгли анча жойига келди: хайрият, адашмабди.

Рўйхатхонага бир туйнук орқали мурожаат этилар, ичкарида нозаниндай бир аёл китоб ўқиб ўтирар эди. Махсумнинг оғриғи ҳам йўқолди, кайфияти кўтарилиб, туйнук орқали арзи ҳол қилди:

-Опажон, ўтирибсизми айвонда? Иссиқ жон-да, бирданига шу, жағимда шиш пайдо бўлди:..

Яна анча дароз нутқ ирод этиб, кўмак сўради. Афтидан, аёл уни тушунмади. Яна узун ҳасрати бутунлай ёқмади чоғи, кўзини китобдан олиб:

-Это – глазной, - деди лабини чўччайтириб.

Махсум ҳам ўзини паст олмай, ўша алпозда қайириб сўради:

-А, где иягной?..

Хушҳол САРДОРОВ,
Яккабоғ.

"ҚИМИЗАК БУВА"

-Болалигимдаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди, - деб қолди Наби Салим. -Эшакни мин, - дедилар бир кун дадам, - Қимизак буваникига бориб нос олиб кел.

Ҳўп дедим. Эшакка миниб нариги маҳалладаги носфуруш чолникини кўзлаб йўлга тушдим.

Кўча эшиги очиқ экан. Эшак қурғурни ҳар қанча жиловини тортмай, ҳанграганича ҳовлига кириб борди. Бўйим паст эмасми, эшакдан тушсам, қайта минишга қийналишимни ўйлаб шу кўйи уйга қараб бақирдим.

-Қимизак бува, ҳой Қимизак бува!

Уй остонасида бир жуфт калиш турипти-ю, ҳеч ким жавоб бермайди. Мен эса овозимни борича бақираман:

-Қимизак бува!

Шу пайт шарақ этиб эшик очилиб, ичкаридан етмиш ёшлар чамасидаги юзи бўғриқиб кетган одам чиқиб келди. Нечукдир важоҳати хунук эди.

-Э, бормисиз, Қимизак бува. Дадам носга... – дейишимни биламан, ҳалиги одам ҳе йўқ, бе йўқ эшакни кетига қараб бир тепди!

Эшак қурғур қочиб берди-ку! Қандай қилиб уйга келиб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

Кейин билсам... Қимизак бува' носфуруш чолнинг лақаби бўлиб, асли исми Райим экан...

Али ЗИЁТОВ,
Наманган.

КУППА-КУНДУЗ КУНИ-Я?

Гавжум чойхона рўпарасида турган нотаниш "Нексия"га дастлаб ҳеч ким эътибор бермади. Кўп ўтмай қотмадан келган, ўрта яшар киши машинага яқинлашди. Қўлини белига тираганча машинага узоқ тикилиб турди.

Негадир бош чайқади-да, чойхоначидан челак сўраб олди. Чойхона ёқинидаги ҳовуздан сув ташиб машинани ҳафсала билан ювa кетди. Челакни эгасига қайтариб энди эшикни очаётганда, кўкдан тушгандек оқ "Жигули" келиб қолди. Ҳайдовчиси ойнадан бошини чиқариб ҳалиги киши билан қуюқ сўрашди.

-Ака, битта илтимос бор. Машинайиззи битта ғилдирагини бериб турсангиз.

-Ғилдирак? - ҳайрон бўлди "Нексия" эгаси.

-Ҳа, ғилдирак! Хотинимнинг мазаси қочиб қолди. Шаҳарга, дўхтирга олиб бормасам бўлмайди. Бизнинг ғилдирак билан узоққа бориб бўлмаса!

"Нексия" эгаси яна елка қисгандек бўлди-ю, йўқ деёлмади. Суҳбатдоши тутқазган очқичлар билан бир зумда олд ғилдиракни ечиб берди. Шинани машина юкхонасига ортишди. Нимагадир ўзи ҳам "Жигули"га ўтирди. Машина қандай тезликда келган бўлса, шундай шитоб билан ғойиб бўлди. Чойхонадагилар бу воқеадан ажабланиб туришганда, кўчанинг нариги бетидаги сартарошхонадан башанг кийинган киши чиқиб келди. Машинага яқинлашиши билан фиғони кўтарилди.

-Ие, машинанинг бир балони қани?

-Эгаси аллакимгадир ечиб берди-ку? – деб жавоб қайтаришди бояги томошабинлар.

-Қанақа эгаси? – баттар тутақди олифта киши.

-Эгасидақа эгаси-да, келди, машинани яхшилаб ювди. Бир ошнаси келиб сўровди, ечиб берди-ю, ўзиям машинага ўтириб жўнаворди, - деди чойхўрлардан бири.

-Уҳ-ҳ, - дея бошини чангаллади бояги киши - ғафлатда қолибман-а. Куппа-кундуз куни шилиб кетишди-я! Хонавайрон қилишибди аблаҳлар.

Чойхонада ўтирганлар ҳам ғалати алфозда қолишди. Улардан ҳеч бири шунча кишининг кўз олдида ғилдирак ўмарган "учар" ўғриларга қойил қолишни ҳам, улардан нафратланишни ҳам билолмай туришарди.

Рустам ЖАББОРОВ

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

(Боши 1-бетда)

Ҳуқуқ давлат томонидан инъом қилинмайди, балки фуқароларга ўзларига берилган ҳуқуқлардан ақл-идрок ва масъулият билан фойдаланиш эркинлиги берилади. Учинчи бўлим ўзига хос бўлиб, дунё бўйича ҳеч бир давлат Конституциясида ҳали бунақаси кузатилмаган. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади, фуқаролик жамиятининг урф-одатларини қайтадан тиклашдан иборат бўлиб, у жамоат бирлашмалари ва уларнинг муносабатларини ҳақиқий ва соғлом ривожланишини таъминлайди ҳамда уларни ҳуқуқий тарзда расмийлаштиради. Тўртинчи бўлим Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишига бағишланган бўлиб, унга Қорақалпоғистон республикаси тўғрисидаги алоҳида боб ҳам киритилган. Бешинчи бўлим жойлардаги ва юқори давлат органлари тузилишини акс эттиради ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили асосида давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустаҳкамлайди. Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тартибини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши демократик тамойиллар асосида ривожланишда ютуқларга эришишнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб беради:

Фуқаролар тинчлигининг миллий ва ижтимоий тотувликка боғлиқлиги;

Шахс эркинлиги ва танлаш эркинлиги;

Ҳамжиҳатлик ҳамда иқтисодий ўсиш;

Давлат, фуқаролар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши.

Шуниси диққатга сазоворки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди: Ўзбекистондан кейин Қозоғистон (1995 йил 30 август); Қирғизистон (1993 йил 5 май); Россия Федерацияси (1993 йил 12 декабр); Беларусь Республикаси (1994 йил 15 март); Тожикистон (1994 йил ноябр).

Республиканинг ҳозирги амалдаги Конституциясидан олдин ҳам Конституциялари бўлган. Масалан, 1927, 1937, 1958 йилларда Конституциялар қабул қилинган. Лекин, ҳозирги амалдаги Конституциямиз олдингиларига нисбатан ғоявий ва мазмунан тубдан фарқ қилади. Олдинги Конституцияларни мустақил Конституция деб бўлмас эди. СССР Конституцияси Ўзбекистон Конституциясидан устун турарди. Республиканинг ички ва ташқи иқтисодий, маданий сиёсатлари бўйича ваколатлари ўзининг Конституциясида эмас, балки СССР Конституцияси билан белгиланар эди.

Жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, Конституциямизни янги замонабоп тарзда яратилишига сабаб бўлди. Мулкнинг турли шаклларига муносабатни ўзгартирмасдан, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократиялаштирмасдан Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириб бўлмасди. Бозор иқтисодига ўтиш кишиларнинг тадбиркорлигини, ташаббускорлигини ривожлантиришга асосланадиган янги юридик нормалар бўлишини талаб этар эди.

Вужудга келаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини Конституцияга биноан муҳофаза қилиш, фуқароларга демократик жараёнларда иштирок этишлари учун баравар ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига таяниб иш кўриш зарурати юзага келганди. Ана шу талабларнинг барчаси янги Конституциямизда ўз аксини топди.

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. У 26 бобни ўз ичига олади (МДҲ Конституциялари ичида энг каттаси). Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор. Асосий Қонун БМТ, ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Конституциянинг шу кунгача амал қилиб келган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва демократияни ривожлантириш борасидаги дунё ютуқларидан келиб чиққан ҳолда яратилганлиги ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталишимиз лозим.

Демократия – бу Конституция ва қонунлар доирасида эркинлик демакдир. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Конституцияси қонунчиликнинг бузилиш ҳолларига, тартибсизлик ва зўравонликларга йўл қўймайди, жамиятнинг бўлиниб кетиши, этник ва диний гуруҳлар тўқнашуви, антидемократик ҳаракатларнинг олдини олади.

Конституция моҳиятига кўра конституциявий тузумга ҳар қандай тажовуз ғайритабиий ва Конституцияга зиддир.

Конституциявий тузум – бу миллионларнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш негизидирки, ҳеч кимнинг уни қоралашга ва унга тажовуз қилишга ҳаққи йўқ.

Конституциянинг 8-моддасида: "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дейилган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, мазкур модда жаҳондаги бирон-бир Конституцияда учрамайди. Яъни, унда Конституция даражасида "Ўзбекистон халқи" тушунчасининг таърифи берилган. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансубуриятидан, эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, уларнинг кафолатларини ҳар бир фуқаро нафақат билиши, айни пайтда юрагига жойлаб олиши лозим. Бунинг учун Конституцияни ўрганишни ташкил этишга ҳар бир зукко, фидойи киши ҳиссасини қўшиши керак.

Республикамиз Президенти 2001 йил 4 январ кунидаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг мақсади ҳам ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишдир. Чунки, Конституциямиз нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, янгиланаётган жамиятимиз истиқболини аниқ белгилаб берувчи ҳужжат, келажак авлод йўлини ёритиб берувчи машъалдир.

Дилфуза ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси.



Тошкент шаҳар "Дори-дармон" Давлат акционерлик уюшмаси қошидаги 1-сонли дорихонада нафақат тайёр дориларни сотиш, балки шифобахш, гиёҳли шарбатлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, дорихонада намунали хизмат олиб борилаётгани боис, тобора сафи кенгаяётган мижозлар бундан беҳад мамнун.

СУРАТДА: дорихона хизматчиси, тажрибали привизор Нодира Юлдашева доривор ўсимликлардан шарбат тайёрламоқда.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ТЕЗКОР ВА МАЛАКАЛИ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонига мувофиқ Андижон вилояти туман ва шаҳар шифохоналари ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари барпо этилмоқда.

Пахтаобод туманида шундай бўлимнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу бўлим бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ҳисобидан барпо этилди. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрларга эга. Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож ҳар бир беморга бу ерда тез ва бепул ёрдам кўрсатилади.

Хонобод ва Қорасув туманларида ҳам тез орада шундай бўлимлар фаолият кўрсата бошлайди.

С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

-Ҳурматли бош муҳаррир! Олий Мажлис депутатлари Нуриддин Зайниев билан Илҳом Асадовлар раҳбарлик қилаётган ташкилотлар мактабимизни оталиққа олишган. Бошқаларни билмадим-ку, косонлик маорифчилар ҳар иккала депутат фаолиятидан миннатдордирлар. Нега дерсиз. Чунки улар янги мактаб бинолари қурилишига, таълим масканларини таъмирлашга яқиндан ёрдам беришаяпти.

Бу нарсани мен раҳбар бўлган мактаб мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Яшириб нима қиламан: Ёмғир ёғди, дегунча мактаб синф хоналаридан чакка томарди. Чунки, мактаб биноси узоқ йиллар давомида сомон шувоқ билан суваларди. Юқорида номлари тилга олинган депутатларимиз мактабимизга келганларида ҳақиқий аҳвол билан обдон танишиб минг дона шифер ёрдам қиламиз, дейишди. Шундай бўлди ҳам. Мактабимизга шифер келганлигини кўриб ҳаммамиз беҳад хурсанд бўлдик. Лекин бу қувончимиз кўпга чўзилмади. Шифернинг "харидори" кўпайди. Шулардан энг жазмани халқ таълими бўлими раҳбари Ҳасан Соҳибов бўлди. У киши уйимга "Дамас" машинаси билан келиб менга 200 дона шифер берасан, деди. Унинг таклифини рад этиб, бу иш менинг қўлимдан келмаслигини айтдим балога қолдим. Йигирма беш йил ишлаб бировдан танбеҳ олмаган эдим. Мактабда фаолият кўрсатаётганимдан беҳад хурсандман. Ўқувчиларнинг ҳар бири мен учун бир олам қувонч. Мен билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган муаллимлар билан бир оила фарзандлари мисол жуда аҳилмиз. Хуллас, касбимдан ва ҳаётимдан хурсандман...

Лекин тинч, осуда ҳаётимни шифер масаласи остин-устун қилиб юборди. Кетма-кет текшир-текширлар бошланди, халқ таълимидан келган текширувчилар, оқни қора деб ёзишгача бориб етишди. Охир оқибат мактабда таълим-тарбия издан чиққан, деб вазифамдан озод қилишди. Ноҳақликка чидаёлмадим. Туман фуқаролар судига ариза ёзиб, ишдан ноҳақ бўшатилганлигимни айтдим. Суддагилар эса... халқ таълими раҳбарлари юзига оёқ боса олмади, шекилли шикоят аризамга рад жавобини беришди. Шундан сўнг вилоят фуқаролар судига ариза ёзиб менга нисбатан қонунга хилоф равишда иш тутилганлигини маълум қилдим. Хайрият адолат билан иш юритилди. Жонажон мактабимга қайтиб ўз фаолиятимни бошлаб юбордим. Мени асоссиз равишда вазифамдан четлаштирган халқ таълими бўлимидагиларга эса бирор чора кўрилмади. Улар ҳамон биз ҳақмиз, деб юришибди. Туман фуқаролар суди раиси Неъмат Имомов мени кўрди дегунча, ғазаби ошиб-тошади.

Нима бўлганда ҳам аламзада раҳбарлар тирноқ орасидан кир қидиришдан тўхтаганлари йўқ. Яқинда бир ҳужжатга қўл қўйишга тўғри келди. Қарасам, мактабимизда ишламайдиганларга иш ҳақи ёзилган. Фурқат Муродовни боғбон бўлиб ишлайди, деб кўрсатилган. Шерали Ҳамидов сантехник, Сано Маманазаров дурадгор эмиш. Бу ҳам етмагандай Миршаб Мавлоновнинг номи – шарифига кўзим тушди. У мактабда хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаётган муҳтарам Хўжановнинг ўғли эди. Булар бизда ишламайди, деган гапим халқ таълими бўлими раҳбарларига оғир ботди. Икки йилдан буён иш ҳақи олишади, сиз бўлса бизда бундай одамлар йўқ, дейсиз, деб пўписа қилишди. Мен ўз фикримда қолдим. Ҳужжатга имзо чекмадим. Лекин улар ҳам бўш келишмади. Мактаб директори қўл қўймади деб ҳужжатни халқ таълими раҳбарининг имзоси билан кучга киритишди.

Қалбаки ҳужжат билан ойлик маош олувчиларнинг рўйхати бу билан тугамайди. Улар йил-ўн икки ой мактабдан маош олишади. Бундай ноҳақликка чидаёлмай тегишли ташкилотларга ёзма ахборот билан мурожаат қилдим. Лекин, мени тинглайдиганларни учратмаяпман. Халқ таълими раҳбарларига учрашавериб дармоним қуриди.

Адолат излаб туман ва вилоят судларига олти ой қатнадим. Бу муддат мен учун олти йилдай туюлди. Кунларнинг ўтиши қийин бўлди. Баъзан тонгларни уйқусиз кутишга тўғри келди. Менинг ҳолатимни кўрган оила аъзоларимнинг тинчи бузилди. Муштипар онажонимни айтмайсиз! Ноҳақликдан чеккан фарёдини сўз билан ифодалашга ожизлик қиламан...

Ҳайриятки, ҳақиқат синмас экан. Мустақилликдан айланиб-ўргилай дегим келади.

Ҳурматли бош муҳаррир!

Ушбу мактубда дил сўзларидан бир шингилни айтдим, холос. Лозим топилса, уни газетада ёритасиз деган умиддаман.

Асадулла ТУРСУНБОЕВ,
Косон туманидаги
А.Насимов номли
ўрта мактаб директори.

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ТЕРРОРЧИЛАР УЯСИГА ҲУЖУМ

Усама бин Лоден яширинган, дея тахмин этилаётган Жалолободдан 86 километр жанубда жойлашган Тора-Вора ғори АҚШ ҳаво кучлари томонидан бомбардимон қилинди.



Жалолобод хавфсизлик кучлари раҳбари Ҳазрат Алининг айтишича, 21 ноябр куни ўша атрофдаги дарёдан бин Лоденнинг отда кечиб ўтаётганини кўрганлар бор. 4000 метр баландликдаги ушбу ғорда эса 1000 кишига мўлжалланган шарт-шароитлар ҳам яратилган экан. Шунингдек, Толиблар ихтиёрида қолган ягона Қандаҳор вилоятининг жанубий шарқида мулла Умар паноҳ топган, дея тахмин этилган объектларга ҳам ҳаво зарбалари берилди.

БОШҚАЛАРГА ҚЎЛЛАШ ЯРАМАЙДИ

Франция ҳамда Германия ҳукуматлари АҚШ етакчилигида Афғонистонга берилаётган ҳаво зарбаларини бошқа давлатларга йўналтириш шарт эмаслигини маълум қилдилар.



Ундан аввалроқ расмий Вашингтон Ироқ, Сомали, Судан ва Яман мамлакатларига қарши ҳам ҳарбий операциялар қўлланилиши мумкинлигини айтган эди. Германия канцлери Герхард Шрёдернинг фикрича, гарчи немис аскарлари Афғонистондаги ҳаракатларда иштирок этсаларда, бошқа ҳудудларга қилинажак ҳужумларда қатнашмайдилар. Мисол учун, Ироқ масаласи Яқин Шарқ можаросини янада кескинлаштириб юбориши мумкин.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, икки нафар қуролланган фаластинлик шахс Ғазо минтақасидаги Гуш-Катиф аҳоли пунктида тўхтаб турган автобусга, сўнгра бошқа бир автомобилга ҳужум уюштирганлар.



Натижада эса бир исроиллик аёл ҳалок бўлган ҳамда уч киши жароҳатланган. Шу яқин атрофда жойлашган Исроил аскарларининг жавоб ҳаракатлари туфайли фаластинликларнинг бири ўлдирилган, иккинчиси эса Хон-Юнус лагерига яширинишга улгурган. Ушбу фожеа жавобгарлигини "ХАМАС" гуруҳи ўз зиммасига олди.

Муҳторият раҳбари Ёсир Арофат эса ундан аввалроқ уч нафар кишининг ўлимига сабаб бўлган фаластинлик жангарларнинг қуролли ҳаракатлари муҳокама этар экан, ўзининг тўла тинчлик тарафдори эканлигини ҳамда ўт очишларга чек қўйилиши учун курашишини маълум қилди.

ИЧКИ НИЗО КЕЛИБ ЧИҚҚАН

Рус ҳарбийларининг тасдиқлашларича, Панки дарасида чечен жангарилари ҳамда араб ёлланма аскарлари ўртасида ўзаро отишма юз берган ва ҳар икки томондан ҳам қурбонлар берилган.



Маълумотларга кўра, араблар гиёҳванд моддалар ўтказилувчи йўллар назоратини ҳамда ундан тушадиган маблағни тақсимлаш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қолишмоқчи бўлганлар. Аргун шаҳрида эса навбатдаги қотиллик юз берди. Номаълум шахслар нафақадаги Рамзан ва Айман Эхиевлар оиласига бостириб киришиб, эр-хотин ҳамда уларнинг бир қизи ва икки нафар ўғилларини отиб ўлдирганлар. Ҳозирда ички ишлар хизмати жиноятчиларни қидирув ишларини олиб бормоқдалар.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида
А.КАМОЛОВ тайёрлади.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Даштобод пахтани қайта ишлаш корхонаси 1500 тонна толани Швейцария, Англия ва Франция мамлакатларига экспорт қилди.

-Мавсумда 12 минг 500 тонна хомашё қабул қилган эдик, - деди корхона раҳбари Саидбек Отақулов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Ҳозиргача саккиз минг тонна пахта қайта ишланди. Ишлаб чиқаришнинг қисқа технологияга ўтказилгани таннархни камайтиришга имкон бераяпти. Уч минг тоннага яқин уруғлик пахтани қайта ишлаш эса эрта-индин тугатилади. Бу корхонага бир ярим миллион сўм қўшимча даромад келтириши керак.

ЖАРАЁН

-Корхона раҳбарининг таъкидлашича, уруғлик пахта тоза бўлгани сабабли ундан олинган тола ҳам оддий пахтага нисбатан бир ярим баробар қиммат баҳоланади. – Бундан ташқари, уруғлик пахтага чигитни ажратиб олиб Пахтакор туманидаги "Элита" уруғчилик корхонасига тезроқ жўнатишимиз лозим. Шартномада шундай белгиланган. Бу вилоят пахтакорларининг келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик чигит олишларига шароит яратади.

Саидбек Отақулов келгуси йил ҳосили учун жами 330 нафар фермер ва 20 та ширкат хўжалиги билан пахта шартномалари тузилганини ҳам айтди. Ҳадемай улар корхона орқали бўнак пулларини ҳам олади.

-Очиғи, экспорт ҳажми бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Бироқ, республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли пахта экспорти билан шуғулланувчи компаниялар вакилларининг Тошкентдан корхонамизга тез-тез келиши, толамизни баҳолаши қийин кечаяпти. Уларнинг рухсатисиз эса бир тонна ҳам толани вагонга ортиб бўлмайди. Агар ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг мутахассислари сансалорлик қилишмаса, биз меҳнатдан қочмаймиз. Негаки, экспортнинг кўпайиши корхонада маҳсулотларнинг туриб қолмаслиги ва фойдани тезроқ олишимизга имкон беради, - деди сўзини якунида Саидбек Отақулов.

"Туркистон-пресс"

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканали
5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Жавоҳирлар дунёси». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон темир йўллари».
9.10, 12.25 ТВ метео.
9.15 «Санъат олами».
9.35 «Денгиз итлари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳрух клуби».
10.25 «Цирк майдонига йўл». Бадиий фильм.
11.35 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.30 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
12.50 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 46-қисм.
13.15 «Аския».
13.40 Кино янгиликлари.
14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.35 Кундузги сеанс: «Панагеянинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
16.00 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубоги.
16.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 «Ўзбекистон - телевидение Ватани».
17.25 ТВ анонс.
17.30 «Туғилган кун». Мультфильм.
17.35 «Куйла, ёшлигим».
18.10 Болалар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 «Ўзбекистон фуқароси».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари куйлайди.
21.30 «Маънавият» дастури.
22.15 «Ўзбек спорти одимлари».
22.25 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 47-қисм.
22.50 «Ахборот».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мультомоша».
9.30 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
10.00 Бизнес-академия.
10.15 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.00 Ёшлар ва маънавият.
11.15 Кинотақдим.
11.35 «Леопольднинг саргузаштлари». Болалар учун сериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 Интерфутбол.
13.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
14.15 Автосалтанат.
14.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Бир ўлка-ки.
15.35 «Индаба». Телесериал.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Имтиҳон».
17.00 «Денгиз жанги». Телелотерея.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.50 Минг бир маслаҳат.
18.10 Ватан манзаралари.
18.30 Олтин мерос.
18.35 Автопатрул.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Индаба». Телесериал.
21.25 XX аср шеъриятидан. Ҳамид Олимжон.
21.30 Марду майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
24.00 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.
00.40-00.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 5

«Ўзбекистон» телеканали
5.30 Рамазон туҳфаси.
5.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб», «Миниатюра - ранг тасвири».
9.20, 12.25 ТВ метео.
9.25 «Тиббиёт одимлари».
9.35 «Денгиз итлари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25". Рикки-Тикки-Тави». Бадиий фильм.
11.40 Касаба уюшмалари Республика спартакиадасининг финал ўйинлари.
12.05 «Сиёсат оламида».
12.30 Луижди Пиранделло. «Пайванд». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.55, 17.30 ТВ анонс.
14.10 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
14.50 «Остонаси тиллодан».
15.10 Кундузги сеанс: «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
16.25 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубоги.
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар куйлайди.
17.35 «Ғозу турналар». Мультфильм.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.35 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
18.50 «Қумсоат».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 Санъат усталарининг концерти.
21.50 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан. «Парламент вақти».
22:10 «Олам». Телеальманах.
22.45 «Ахборот».
23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мультомоша».
9.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Имтиҳон».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.00 Эрта сўнган юлдузлар.
11.20 Болалар экрани «Кулол ва хумча».
12.35 «Леопольднинг саргузаштлари». Болалар учун сериал.
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
14.00 Ёшлар овози.
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.05 Ватан манзаралари.
15.25 Олтин мерос.
15.30 «Индаба». Телесериал.
16.20 Автопатрул.
16.40 Очун.
17.05 Олов билан юзма-юз.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
17.55 Мультфильм.
18.05 Ўйна, болажон, ўйна.
18.20 Олий Мажлис сессияси олдидан «Далил ва шарҳ».
18.35 Оқшом наволари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Индаба». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар « телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 6

«Ўзбекистон» телеканали
5.30 Рамазон туҳфаси.
5.50 «Сўзана». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳисор кўрикхонаси».
9.10 «Она ва бола» давлат дастури - амалда. «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
9.30 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
11.35 ТВ метео.
11.40 «Шахс ва жамият».
12.05 «Йўл бошида».
12.25 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.40 «Қарз». Теленовелла.
13.05 «Олам». Телеальманах.
13.40 «Қумсоат».
13.55, 16.10, 16.45 ТВ анонс.
14.10 Бадиий гимнастика бўйича «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси кубоги учун биринчи Республика турнири.
14.25 «Дунё адабиёти».
14.40 Кундузги сеанс: «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
16.00 «Оламни асранг!»
16.15 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубоги.
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 «Мусиқа ва театр».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Орзулар қанотида».
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси.
21.30 Луижди Пиранделло. «Пайванд». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.55, 17.30 ТВ анонс.
14.10 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
14.50 «Остонаси тиллодан».
15.10 Кундузги сеанс: «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
16.25 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубоги.
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар куйлайди.
17.35 «Ғозу турналар». Мультфильм.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.35 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
18.50 «Қумсоат».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ватан мадҳи».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 Санъат усталарининг концерти.
21.50 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан. «Парламент вақти».
22:10 «Олам». Телеальманах.
22.45 «Ахборот».
23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мультомоша».
9.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Имтиҳон».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.00 Эрта сўнган юлдузлар.
11.20 Болалар экрани «Кулол ва хумча».
12.35 «Леопольднинг саргузаштлари». Болалар учун сериал.
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
14.00 Ёшлар овози.
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.05 Ватан манзаралари.
15.25 Олтин мерос.
15.30 «Индаба». Телесериал.
16.20 Автопатрул.
16.40 Очун.
17.05 Олов билан юзма-юз.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
17.55 Мультфильм.
18.05 Ўйна, болажон, ўйна.
18.20 Олий Мажлис сессияси олдидан «Далил ва шарҳ».
18.35 Оқшом наволари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Индаба». Телесериал.
21.25 XX аср шеъриятидан. Ҳамид Олимжон.
21.30 Марду майдон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
24.00 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.
00.40-00.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 7

«Ўзбекистон» телеканали
5.30 Рамазон туҳфаси.
5.50 «Шарифа момо». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Миллий университет».
9.30 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ метео.
10.25 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
11.55, 13.55, 17.30 ТВ анонс.
12.05 «Ўзлигинг - намоён қил». Экранда - Жиззах вилояти.
12.30 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
12.50 О. Генри. «Севишганлар туҳфаси». Теленовелла.
13.10 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 48-қисм.
13.35 «Унутмас мени боғим». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 «Бахтимизга омон бўлинг».
14.30 «Қизил гул». Мультфильм.
15.10 «Талабалик йилларим».
15.30 Кундузги сеанс: «Тўйлар муборак!» Бадиий фильм.
16.30 Болалар учун. «Қўшиғим-жон қўшиғим».
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
17.35 «Ҳуқуқ сабоқлари».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида.
22.05 «Бир жуфт қўшиқ».
22.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.45 «Ахборот».
00.20- 00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Уйна, болажон, ўйна.
9.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
10.55 Мезон.
11.15 «Жюли Леско». Бадиий фильм 10-қисм.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Интерфутбол.
13.55 «Устоз». Видеофильм.
14.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
14.40 Қули гул уста.
15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.45 Муқаддас бурч.
16.05 «Индаба». Телесериал.
16.55 «Оби ҳаёт». Экологик журнал.
17.15 Бадиий гимнастика бўйича «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси кубоги учун I Республика турнири.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Боланинг тили».
18.10 Автосалтанат.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 Ёшлар овози.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Конституция куни олдидан «Ҳуқуқ ва бурч» 3-кўрсатув.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Аср қиёфаси.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Индаба». Телесериал.
21.25 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.
1.00-1.05 Мунаввар тонг истаб.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30 - 9.00
*
15.00 - 16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Живз ва Вустер». Сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Яхши - ёмон йигитлар». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 «Биз анойи эмасмиз».
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25, 22.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида.
22.05 «Бир жуфт қўшиқ».
22.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.45 «Ахборот».
00.20- 00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Уйна, болажон, ўйна.
9.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
10.55 Мезон.
11.15 «Жюли Леско». Бадиий фильм 10-қисм.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Интерфутбол.
13.55 «Устоз». Видеофильм.
14.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
14.40 Қули гул уста.
15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.45 Муқаддас бурч.
16.05 «Индаба». Телесериал.
16.55 «Оби ҳаёт». Экологик журнал.
17.15 Бадиий гимнастика бўйича «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси кубоги учун I Республика турнири.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Боланинг тили».
18.10 Автосалтанат.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 Ёшлар овози.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Конституция куни олдидан «Ҳуқуқ ва бурч» 3-кўрсатув.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Аср қиёфаси.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Индаба». Телесериал.
21.25 Азизим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.
1.00-1.05 Мунаввар тонг истаб.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30 - 9.00
*
15.00 - 16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Живз ва Вустер». Сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Яхши - ёмон йигитлар». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.20 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
18.45 «Кун мавзуси».
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.10. Кинонинг олтин асри: «Икки томонлама хавфсизлик». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 8

«Ўзбекистон» телеканали
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган ўзлуксиз теледастур.
5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Истиқлол рамзи». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 Байрам табриги.
9.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
9.20 Байрам табриги.
9.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
9.50, 11.25 ТВ метео.
9.55 «Конституция - бахтимиз қомуси».
10.10 Телевизион миниатюралар театри.
10.45 «Маърифат». Телеальманах.
11.05 Байрам табриги.
11.10 «Кафолат қасри».
11.30 «Асрга тенг 10 йил». Видеофильм. 1-қисм.
11.50 «Жалолиддин Мангуберди». Мультфильм.
12.05 «Битта байроқ остида».
12.20 Байрам табриги.
12.30 «Менга сўз беринг».
13.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
14.30 «Дўстлик» видеоканали. «Ягона оилада».
15.00 «Болаликнинг мовий осмони».
15.20 «Ўзбекистон» телеканалида биринчи марта. «Кичкина табиб». Бадиий фильм.
16.50 «Рамазон туҳфаси».
17.10 «Асрга тенг 10 йил». Видеофильм. 2-қисм.
17.30 Байрам табриги.
17.35 «Спорт шанбадан шанбагача».
17.55 «Конституция - чет элликлар нигоҳида».
18.05 «Миттивойлар оиласи».
18.30 Байрам табриги.
18.35 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
19.05 «Конституция - менинг тақдиримда».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Она ва бола давлат дастури - амалда». «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.25 «Озодлик оҳанглари».
22.25 «Ўзбекистон» телеканалида биринчи марта. «Чимилдиқ». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
7.50 Кўрсатувлар дастури.
7.55 Байрамингиз муборак бўлсин!
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Боланинг тили».
9.30 «Алпомиш». Мультфильм.
9.50 Ёшлар овози.
10.10 Аср қиёфаси.
10.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.30 «Ота». Видеофильм.
11.50 Ҳуқуқ ва бурч. 3-кўрсатув.
12.10 Чемпион сирлари.
12.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.05 «Индаба». Телесериал.
13.55 Кутилмаган меҳмон.
14.15 «Келинлар кўзголони». Бадиий фильм.
15.25 «Истиқлол умидлари».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.20 Бола тилидан.
17.50 Мусиқий лаҳзалар.
18.00 Футбол плюс.
18.20 Бизнес-академия.
18.35 Лаззат.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Давр»-интервью.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози. Конституция ва ёшлар.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Жюли Леско». Бадиий фильм 11-қисм.
21.25 «Соғлом авлод учун». Видеофильм.
21.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 ТВ-саёҳат.
22.55 «Юлдузингни бер осмон». Бадиий фильм.
00.20-00.25 «Хайрли тун!»

«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Кино сайёраси».
9.50 «Соккер-клуб».
10.10 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
10.45 «Смак».
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Инглиз тили сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
11.40 «Баркамол авлод юлдузлари».
12.20 Кундузги сеанс: «Дарахт устида». Бадиий фильм.
13.45 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Бизнен мирас», «Чинсэн».
14.45-15.15 «Немис тили».
17.00 «Кўрсатувлар тартиби».
17.05 «Бинафша».
17.25 CFI тақдим этади: «Европа ўрмонларининг жонзотлари».
18.15 Е. Петросян таклиф этади, Концерт дастури.
19.00 «Ким миллионер бўлиши истайди?» Телеўйин.
20.00 «Сўнгги қаҳрамон».
21.00 «Время».
21.30 «Соккер клуб».
21.50 «Мюзик-холл».
22.20 Кинематограф. «Шаҳзода ва гадо». Бадиий фильм.
23.50 Ахборот (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 9


«Ўзбекистон» телеканали
5.30 Рамазон туҳфаси.
5.50 «Қайта ҳаёт бағишлаб». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Ғаройибот».
9.25 , 11.20 ТВ метео.
9.30 «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Она меҳри».
11.25 «Шоҳрух клуби».
11.45, 13.15 ТВ анонс.
11.50 Муҳофаза.
12.00 «Фунтик ва мўйловли кампиршо». Мультфильм.
12.10 «Цирк, Цирк, Цирк».
12.35 «Эҳтиром». «Ёш оналар» республика кўрик - танловининг якуни.
13.20 Кундузги сеанс: «Ватанпарвар». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
15.50 «Келин-куёв». Телешоу.
16.50 Рамазон туҳфаси.
17.10 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.40 «Озодлик оҳанглари».
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Тўртинчи ҳокимият».
19.05 «Яккама - якка жанг". Каратэ бўйича Венгрияда ўтказилган Халқаро турнир якунларига доир.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада сиз билан бирга».
21.50 «Иш билганга - минг танга». Телетанлов. Якшанба кинозали:
22.35 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.55 «Какку уяси узра парвоз». Бадиий фильм.
1.10 -1.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 Табобат оламида.
9.40 Футбол плюс.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Болалар экрани. «Олтин занжир».
11.40 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: Марди майдон.
12.00 Очил дастурхон.
12.15 Мусиқий лаҳзалар.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 «Кулги қироли». Бадиий фильм.
14.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.50 Интерфутбол.
16.45 Мусиқий лаҳзалар.
16.55 Internet-Осиё.
17.10 Спорт ҳафтаномаси.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.50 «Мультомоша».
18.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Якшанбада кўришгунча.
19.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Олимов куйлайди.
19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Жюли Леско». Бадиий фильм 12-қисм.
20.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.55 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадиий фильм.
00.05-00.10 «Хайрли тун!»

«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 «Парлё ву франсе?»
11.30 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.40 Болалар соати: «Қизил шапкача». Бадиий фильм. 2-қисм.
12.50 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.
13.30-14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар».
16.30 «Кўрсатувлар дастури».
16.35 «Мультчархпалак».
16.50 «Жонли табиат».
18.00 «Британия кундалиги».
18.20 София Ротару иштирокидаги концерт дастури.
18.50 А. Миронов ва Н. Фатеева «Уч қўшув икки» комедиясида.
20.30 «Тенгдошлар».
21.00 «Ассалом, Франция!»
21.15 «Кинопрофи».
21.35 Кинематограф. «Роб Рой». Бадиий фильм.
23.35 «Таҳлилнома».
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Ойнаи жаҳонда

3-9 декабр





ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Меҳнат шартномасининг мазмунини ташкил этувчи қандай шартлар тарафларнинг келишуви бўйича белгиланади?

Ф.ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилояти

Жавоб: Ишга қабул қилиш чоғида энг муҳими тегишли буйруқнинг чиқарилиши хусусидаги тасаввур онгимизга кўп йиллар мобайнида ўрнашиб қолди. Меҳнат шартномасининг расмийлаштирилиши кўпинча иш жойини, касбни, малакани ёхуд лавозимни аниқлаб қўйишдан иборат бўлади. Ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган бўларди. Бирор-бир бошқа шартларни кўрсатиб ўтиришга зарурат йўқ эди, чунки уларнинг ҳаммаси, одатда марказлаштирилган тартибда ҳал этиларди.

Қонун ҳужжатлари тарафларга меҳнатга доир муносабатларни уларнинг ўзаро манфаатлари ва иш берувчининг молиявий иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, индивидуаллаштириш имконини берадиган ҳозирги вақтда бу масалага мутлақо бошқача тарзда ёндашмоқ лозим бўлади.

Биринчидан, меҳнат шартномасини тузиш чоғида тарафлар МКнинг 73-моддасида кўрсатиб ўтилган зарур шартлар (иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, ишнинг бошланиш куни, меҳнат ҳақи миқдори ва ш.к.) бўйича келишувга эришмоқлари керак.

Иккинчидан, тарафлар меҳнат шартномасининг мазмунига бошқа (қўшимча) шартларни ҳам, агар улар ходимнинг аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан ёмонлаштирмаса, қўшишлари мумкин. Ходим ва иш берувчи келишиб олишлари ҳамда шартномага меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартларини киритишлари мумкин.

Бундан ташқари, МК 4-моддасининг учинчи қисмига биноан, тарафлар шартнома мазмунига, умуман меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бўлак меъёрий ҳужжатлар билан ҳал этилмаган масалаларни ҳам қўшиш ҳуқуқига эгадирлар.

Савол: Меҳнат шартномасининг қандай шартлари зарурий шартлар деб ҳисобланади?

Ў.МУЗАФФАРОВ,
Навоий вилояти

Жавоб: Меҳнат шартномасини тузиш учун келишувга эришиш мажбурий ҳисобланган шартлар зарурий шартлар деб эътироф этилади.

Меҳнат шартномасининг зарурий ҳужжатларини умумий, алоҳида ва бошқа зарурий шартларга бўлиш мумкин.

Умумий з

ТАСАВВУРДАГИ ЭВРИЛИШ

(Боши 1-бетда)

Шифохона бош ҳакими, профессор М.Азизов фаолиятимизга раҳнамолик қиларкан оналар ва болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишимиз, имтиёзлар яратиб беришимиз учун амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Малакали шифокорлар асосий таянчимиздир. Тамара Бегимқулова, Нигора Шерова, Тўлқин Ҳамроқулов сингари ходимларимизнинг ўз ишига масъулият билан қараётганлари боис бир беморнинг дардини аниқлаш учун узоғи билан бир соатлик вақт кифоя. Биргина рентген хонаси фаолиятининг 9 ойлик якунларига назар ташласак, фикримиз ойдинлашади. Ўтган йилнинг шу даврида 4400 нафар беморнинг кўкрак қафаси, суяклари, ҳазм ва сийдик чиқариш аъзоларида 6400 текшириш ўтказилган. Бу йил шу муҳлатда эса бундай текширишлар 7136 беморда 9100 маротаба ўтказилган.

Яна бир қувонарли ҳолат. Фарзандлари дардини оғирлаштириб келувчилар сони тобора камаймоқда. Касалликнинг бошланиш давридаёқ ёки гумон туғилган заҳотиёқ мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда. Бу эса ҳам бемор учун, ҳам шифокор учун анча енгил бўлмоқда.

Энг муҳими, бу ҳолат одамларнинг тиббий маданияти ошаётганлигидан далолат беради. Шу ўринда бундай эврилишда тиббиёт ходимларининг эл орасида олиб бораётган тушунтириш ишлари, матбуот саҳифаларидаги чиқишлари ҳам яхши самара бераётганидан даракдир.

Фирдавс ЁҚУБОВ,
Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси диагностика маркази бошлиғи.

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ - КАМТАРЛИКДА

(Боши 1-бетда)

-Кўпчилик мухлислар санъаткор халқининг мактабда неччи баҳога ўқишгани билан қизиқишади.

-Ота-онам биз – фарзандларга нисбатан тарбияда қаттиққўл бўлгани учунми, фақат яхши ўқишга ҳаракат қилардим. 8 йил синф бошлиғи бўлганман. Етакчилик ҳозирги фаолиятимда ҳам давом этиб, 19 кишилик мусиқий гуруҳни бошқариб турибман. Собиқ синфдошлар билан ҳар замонда кўришиб турамиз. Ахир улар билан болаликдан тепишиб катта бўлганмиз-да.

-Сиз ҳамон водийдасиз. Кўпчилик...

-сал танилар-танилмас пойтахтга ошиқади, демоқчисиз-да. Тўғри. Чунки пойтахт ўз санъатини янада кенгроқ тарғиб қилмоқчи бўлганлар учун имкониятлар эшигини очади. Аслини олганда, юртимиз тупроғининг ҳар бир қаричи биз учун муқаддас. Унинг қай гўшасида яшашдан қатъий назар, ўз устида астойдил меҳнат қилган киши албатта муродига етади. Ҳар ҳолда Тошкентдан ҳам қадамимиз узилгани йўқ.

-Суҳбатимиз ижодий муҳит ҳақида бораётган экан, шу ўринда икки оғиз Фарғона водийси санъати тўғрисида ҳам сўз очсак.

-Ўзбек қўшиқчилик санъатида Фарғона – водий, Хоразм ҳамда Фарғона – Тошкент каби йўллар бор. Фарғона санъати азалдан гуркираб ривожланган. Сабаби аҳоли кўп бўлган жойда истеъдодлар ҳам кўп учрайди. Улар орасидан энг зўри рўёбга чиқади. Умуман олганда водийда яхши санъаткорларимиз бисёр. Фақат баъзи истеъдодларнинг янада олдинга интилмай, озгина топган маблағига қувониб, водий ичидагина ўралашиб юришига афсусланаман.

-Инсоннинг гўзаллиги унинг камтарлигида, дейишади.

-Мен ҳам бу фикрга қўшиламан. Энди уни ўз ҳаётимга татбиқ қиладиган бўлсам, ҳеч қачон машҳурлик либосидан фойдаланмаганман.

-Қўшиқ пайдо бўлгач, дастлаб уни ким эшитади?

-Албатта аёлим. У илк тингловчи сифатида ижодимга доимо холис баҳо беради.

-Дарвоқе, кеннойимиз билан қандай танишгансиз?



-Бир куни ишдан қайтаётсам, йўлда таманно билан кетаётган нозанинга кўзим тушди-ю, юрагим "шиғ" этди. Ортидан уйигача эргашиб бордим. Кунлар ўтиб танишдимки, 18 ёшли бу қиз халқ судида котиба бўлиб ишларкан. Хуллас, танишганимиздан сўнг бир ярим ой ичида тўйни ҳам ўтказиб юбордик. Бугунга келиб беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказаяпмиз.

-Фарзандларингиз ҳам санъатга яқин бўлишса керак?

-Қизларим кунора қўлда чолғу ушлаб, бири микрофонда бошловчилик қилиб, бошқаси кўшиқ айтиб, рақсга тушиб, уйда "концерт" қўйиб туришади. Келгусида уларнинг қайси соҳани эгаллашларидан қатъи назар, санъатдан йироқлашмасликларини истардим.

-Илҳом ака, сизнинг ҳам кўпгина санъаткорлар қатори шахсий қўриқчингиз бўлса керак-а?

-Йўқ, менда унақа эмас. Барчамизни Аллоҳ яратган экан, Паноҳида асрайдиган ҳам Ўзи. Ўзгаларга ёмонлик истамайдиган санъаткорга ёмонлик исташлари мумкинлигини тушунолмайман.

-Ўз феъл-атворингизга "таъриф"-ингиз?

-Санъаткорни бошқалардан Хитой девори билан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Аслида ҳаммамиз ҳам инсонмиз... Яхшига яхши, ёмонга ёмонман. Гарчи кўнгилчан бўлсам ҳам баъзан дилимга йўл топиш қийин бўлиб қолади. Файритабиий қобилиятим бўлмаса ҳам, бировнинг кўзига қараб туриб қандай одам эканлигини билиб оламан. Чунки қалбда яширинган туйғулар кўзда акс этиб туради. Самимийлик билан боққан кўзларга фақат яхшилик тилайман.

-Бир шоир ўз суҳбатида: "қўшиқчиларни яхши кўраман-у, бироқ уларнинг кўпчилиги чаласавод бўлади-да", деган эди.

-Ҳар ҳолда ўша акамиз бу гапи билан мени назарда тутмагандир... Негаки, мен кўп вақтимни китоб мутолаасига ажратаман. Ўқувчилик йилларимизда "Китоб – менинг дўстим" мавзуидаги иншо бўларди. Балки ҳозир ҳам бордир. Ўша иншоларнинг бизда китобга нисбатан меҳр уйғонишига туртки бўлгани рост. Мутолаа чоғида асар қаҳрамонлари билан биргаликда қувонаман ва изтироб чекаман.

Бир киши чипта олиб, театрга кирибди. 15 дақиқадан сўнг қайтиб чиқибди-ю, "пулимни қайтариб беринг", дебди. "Нега, спектакл ёқмадими", деб сўрашса, йўқ, ҳайҳотдек залда бир ўзим ўтиришга кўрқдим, деб жавоб берган экан. Нима демоқчиман? Баъзан кўпчилигимиз маънавиятдан узоқлашаётгандекмиз. Китоб варақлашдан кўра пул санашни кўпроқ яхши кўрадиганларга дуч келсам, ўйлаб қоламан. Тўғри, пул ҳаммага керак. Бироқ маънавий бойликсиз моддий бойлик қуруқ бўлиб қолмасмикан?..

Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ САНЪАТ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Пастдарғом туманига қарашли Жума шаҳрида янги, ўзбек-корейс санъат ўқув маркази фаолият кўрсата бошлади. Ушбу ўқув маскани мусиқага ихлосманд ёшларни рағбатлантириш ва шу билан бирга туман ҳудудидаги кам таъминланган оилалар, маҳаллалар, мактаб, боғча, касалхоналарга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида Жума шаҳрида 1997 йилда ташкил этилган "Шарон" иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан бунёд этилди.

-Жамғармамизнинг асосий мақсади бундан буён ҳам саховатпешалик ишларда фаол қатнашиш, Ўзбекистон мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилиш, қолаверса, ўзбек-корейс миллатлари дўстлигини янада мустаҳкамлашдир, - дейди Марказ раҳбари Ким Кван Жун.

АСКИЯ БАЙРАМИ

Андижон вилояти Қорасув шаҳрида маданият ишлари бошқармаси томонидан "Эл ардоғидаги санъат" туркумидаги машҳур сўз усталари марҳум санъаткорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулҳай махсум Қозоқов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Султонов хотираларига бағишланган "Аския байрами" ўтказилди. Байрамда таниқли сўз устаси Мамасидиқ Ширяев раҳбарлигида андижонлик, фарғоналик ва қўқонлик аскиячилар ўз аския пайровларини намойиш этдилар. Аския ёқимли куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Хушовоз хонандалар ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан байрам аҳлига кўтаринки кайфият бахш этдилар.

Садбархон ЖЎРАЕВА.



...ЎНГ ҚЎЛИМДА ИГНА-Ю, ТИЗЗАМДА КАШТА...

Навбаҳор туманида жорий йилнинг июн ойида "Мафтуна" тикиш-бичиш, зардўзлик маркази ташкил қилингач, бу ерга чевар бўлиш истагида юрган хотин-қизлар жалб этилди. Шу пайтгача 45 та қиз махсус курсни тугатиб иш билан таъминландилар.

СУРАТДА: бир гуруҳ чевар қизлар.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

МЕҲР - УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Инсоннинг узоқ умр кўриши сирлари қадимдан барчани қизиқтириб келади. Асрлар оша яшаганларнинг ҳаёти ажиб бир мўъжиза янглиғ таассурот қолдиради кишида.

Чиндан-да мўъжиза!

Хўш, узоқ умр кўришнинг сирлари нимада? Ушбу саволни турли касб эгалари, саломатлик посбонлари, умридарозларнинг ўзлари ҳам турлича изоҳлашади. Бири тоза ҳаво, иккинчиси овқатланишдаги қатъий тартиб билан боғлайди. Яна бири жисмоний чиниқиш, бошқаси интизомли турмуш тарзи умрбоқийликнинг гарови, дея ҳисоблайди. Ҳатто, бир умр тамаки тутатганлигим боис юздан ошдим, деганлар ҳам бўлган.

102 ёшида мусиқа асбоби яратган санкт-петербурглик Е.Корзун, 111 ёшида ҳам балиқ ови билан машғул бўлган К.Попов, 126 ёшида табиат ошуфтаси бўлган покистонлик С.Мехал, 152 йил умр кўрган озарбайжонлик Маҳмуд Эйвазов, 157 йил яшаган грузиялик Егор Кореев, 166 ёшидагина ҳаётни тарк этган яҳудий Нозер Сурингтонлар ҳаёти ҳақида балки эшитгандирсиз.

Узоқ умр кўришнинг сир-синоати ҳақида ўйлаб, олиму мутахассисларнинг хулосаларига қўшилган ҳолда яна бир жиҳатни ҳам англагандек бўласан, киши. Бу, даставвал, кишининг ўз касбига бўлган муҳаббатидир. 96 ёшида концертлари билан томошабинлар олқишини қозонган Пабло Касальс, 83 ёшида "Фауст"нинг охирги қисмини ёзиб тугаллаган Гёте, 95 ёшида "Мадонна ва гўдак", 99 ёшида "Писта" асарлари устида ишлаган Тицианни ўз касбига бўлган меҳри ҳаёт билан боғлаб турмаганмикин?

БУ ҚИЗИҚ

Узоқ умр насиб этган ҳамюртларимиз билан суҳбатлашганимда улар ушбу жумбоқнинг яна бир хусусиятини айтиб бердилар. Пиру бадавлат онахонлар отахонлар ўзлари туғилиб ўсган юртдан, қадрдон дўсту биродарларидан, жигаргўшаларидан кўнгил уза олмаётганларини сўзлаганларида бу дунё билан чамбарчас боғланиб кетган меҳр ришталари уларни ушлаб турган мустаҳкам томирлардек туюлади, гўё. жиззахлик Шаҳринисо Қурбонова, қоратепалик Олима Юсупова, каттақўрғонлик Жамол Камолов, оқдарёлик Қурбон Ниёзбоевлар, шубҳасизки, меҳрнинг бебаҳо неъматини татиган зотлардир.

Яқинда Паст Дарғом туманида истиқомат қилувчи, уч аср билан юзлашган 115 ёшли Зайнаб момо Йўлдошеванинг ўғли билан суҳбатда бўлганимда у онасининг ҳадсиз меҳрибонлигини, бирор кун соғинтириб қўйишса койишларини мумдек эриб гапирди. Қариндош уруғларидан, қўни-қўшниларидан қай бирлари кўринмай қолишса чақиртириб, юз-кўзларини силаб-сийпалаб ҳол-аҳвол сўрашларини таъкидлади.

Ҳа, она Ватанга, одамларга бўлган меҳр унга сазовор бўлган зотларни бу ширин дунё билан боғлаб турувчи ҳароратли чашмадир. Бу чашма ҳар юракда мавжланиб турса қандай яхши.

Ўктам ҚУРБОНОВ

НИМТАБАССУМ

Ҳарбийлар магазинида харидор сотувчидан сўради:

-Парашютингиз тезда очиладими?

-Очилади, очилади! Ерга қўнишингиз билан шундоқ очилиб кетади.

* * *

Мураббий рақибидан енгилган боксчига тасалли беряпти:

-Хафа бўлма, барибир сен иккинчи раундда рақибингни боплаб лақиллатдинг!

-Ие, қандай қилиб?

-У сени ўлдириб қўйдим деб, роса қўркди.

"ПРИНЦИПИАЛ" ЭРКАК

Янги ишга келган ҳамкасбим хонамга кириши билан менга бир сидра зимдан назар солиб чиқди.

-Ўйлангансиз-а? - сўради тасодифан кўзимга қаттиқ тикилиб.

Мендан тасдиқ жавобини олгач, афсуси қиёфада бош чайқаб қўйди. Анчагина файласуфларча ўйланиб турди ва ана шу хаёлчан алфозда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади:

-Ҳозирги ёшлар хотинни қандай эплашни, тўғрироғи, бошқаришни билишмайди. Эркак дегани хотинининг бурнига ип ўтказиб олиши, "гах" деса қўлига қўнадиган даражада жиловлай олиши лозим.

-Кечирасиз-у, - эътироз билдирдим мен, - сиз менинг "нўноқ"лигимни қаердан билдингиз?

-Жуда осон, - у шундай дея Шерлок Холмсга монанд синчков назар билан уст-бошимга тикилди, - манави кўйлагингиз камида бир ҳафта олдин ювилган. Шимингизга ҳам тўрт-беш кундан бери дазмол тегмаган. Бу нимадан далолат, яхши йигит?

Унга хотиним узоқ вилоятда экани, ўзим шаҳарда ижарада яшашим, кийинишимдаги камчиликлар ўзимнинг айбим эканини айтмоқчи бўлиб турганимда, эски ҳамкасбим Ботирали кириб келди.

-Майли, сизни қўя турайлик, - деди у Ботиралига юзланиб, - ушбу масалада манави ошнамиз ҳам сиздан қолишмайди.

Янги ҳамкасб шундай дея боя ги фалсафасини қисқача такрорлади.

У сўзини тугатиб, рақибини қочирган хўроздек мағрурона юриш билан дераза ёнига борди ва ўгирилиб ана нутқини давом эттирди:

-Мен эса принципиал эркакман, ана шу икир-чикирларгача

ҲАЖВИЯ

жиддий эътибор қиламан. Агар хотиним ана шу майда-чуйда нарсага ҳам амал қилмасин-чи. Нақ...

Ботирали ошнамнинг одатий қувлиги тутди шекилли, менга устма-уст кўз қисди-да, "донишманд" таинишимизга гап қотди:

-Яшанг акагинам, қойилман. Сиздек пр-ринципиал эркакни анча аввал учратишимиз керак экан. Бундан кейин бизга ўзингиз устозлик қиласиз. Ана шу улуғ мақсадлар йўлида, пастга тушиб юзта-юзта қилмасак, уят бўлар-ов.

Шеригимиз бироз иккиланиб турди-да, охири рози бўлди. Ошхонада одам кўп экан. Биз "акахон"имиз билан чекка столдан ўрин олгунча Ботирали официантнинг қулоғига нималарнидир шивирлаб қайтди.

Хуллас, олти-етти қадаҳни бўшатганимиздан кейин, акамизнинг кайфи ошди. Аввал битортиб бораётганмиш. "Тико" машинасидаги йўловчи кампир ҳайдовчига:

-Болам, шошмай тур. Жониворларни босиб кетмагин. Улар йўлдан ўтиб олишсин. Бу илонлар тўдаси – яхшилик аломати. Уч-тўрт йил даштда қурғоқчилик бўлди. Одамларимиз қийналишди. Энди куз ҳам, баҳор ҳам серёғин келади. Илгари ҳам шунақа бўлган. Илонларнинг тўда-тўда юриши келаётган йилнинг барокотли бўлишидан дарак берган, - дея уқтиргандим.

ЯХШИЛИК АЛОМАТИ

Ана шунақа миш-мишлар фақат Пайарикда эмас, Иштихонда ҳам, Нурободда ҳам, хуллас, кўпроқ дашт қишлоқларда авж олди. Бу миш-мишларнинг қанчалик рост ёки ёлғон эканлигини дашт одамларидан ҳеч бир кимса муҳокама қилган эмас. Аксинча, барчанинг дилида бир умид: "Эҳ, қанийди, ёғингарчилик кўп бўлса-ю, деҳқончиликка, ғаллага барака берса", деган ширин ният пайдо бўлиб уларга хуш кайфият бағишламоқда.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

СПОРТ ОЛАМИДА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент давлат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Турон" якка кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятларидан 150 нафар ёш спортчилар иштирок этишиб, ўз вазн тоифаларида ғолибликка Носир Иномов, Михайличенко, Бердиқулов, Зуҳра Чориева ва Алима Жўраолимовалар сазовор бўлишди.

ХАВФСИЗЛИК УЧУН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ

Халқаро Олимпия қўмитаси раҳбари Жак Роггнинг АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашуви чоғида асосий эътибор 8-24 февраль кунлари Солт-Лейк-Сити-да ўтказиладиган қишки олимпиада ўйинларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилди.



АҚШ ҳукумати бу борада қўшимча 40 миллион доллар ажратишини маълум қилган бўлса, мусобақалар осойишталиги учун умумий ҳисобда сарфланажак маблағ 240 миллион долларни ташкил этади. Гарчи қўмита раҳбарияти иштирокчиларни Америкага келиб-кетишлари учун жиддий қайғураётган эса-да, аммо кўплаб атлетикачилар кўнгилсиз ҳодисалар бўлишидан хавотирланмоқдалар.

ФИФАНИНГ ҚАРОРИ

ФИФА келгуси йил Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг расмий ашуласини америкалик машҳур қўшиқчи Анастаси ижро этишини маълум қилди.

Анастаси эса ўз ашуласини эртага бўладиган қуръа ташлаш маросимида илк маротаба айтади. Шунингдек, корейс симфоник оркестри эса грек композитори Вангелис томонидан ёзилган чемпионат гимнини ижро этади.

ПЕТИГА НИМА БЎЛДИ?

Франция терма жамоаси ўйинчиси Эммануэль Пети 2002 йил жаҳон чемпионати ўтказилгач, катта футболни тарк этишини маълум қилди.

"Челси"нинг 31 ёшли ярим ҳимоячиси 1998 йилги жаҳон чемпионатининг финал босқичида бразилияликлар дарвозасига учинчи тўпни киритган эди. "Монако", "Барселона", "Арсенал"ларнинг собиқ аъзосига "Европа – 2000" мусобақаларидан сўнг Дидье Дешам ва Лоран Бланларнинг жамоадан кетганлари ҳам қайсидир маънода таъсир қилган. Ўзининг айтишича, жисмоний жиҳатдан олиб қараганда, Пети ҳали бақувват, у французларга кўп муваффақиятлар келтириши мумкин, лекин гап унда эмас.

КАРПОВНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Москвада ўтказилаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Анатолий Карпов ақл гимнастикаси оламида Крамник ҳамда Каспаровлардан кейинги учинчи ўринни ўзида сақлаб қололмади.



Боиси, у хитойлик Чжан Пенчаньга имкониятни бой берди. Шунингдек, рус гроссмейстерларидан бири бўлмиш Александр Морозович эса Нугзар Зеляковни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб иккинчи давра ўйинларига йўлланма олди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

Утерянный гос. ордер № 10-02/14443 от 17.04.1993 права собственности Халикова Хайрулла Башировича на квартиру стчитать не действительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 280-мактаб томонидан 1992 йил 20 июнда Ли Наталья Вячеславовна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 190919 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги 247-ҳунар техника билим юрти томонидан 1987 йили Шахворостова Татьяна Владимировна номига берилган диплом ва Миробод туманида жойлашган стенография ва машинкада ёзиш курси томонидан 1989 йили берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СКАНВОРД

Тузувчи: Акрамжон Ҳўжамов

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ҲОЛТОЕВ, Азимхон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Х.САТТОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г— 3008, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти Босишга топширилди 19.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5 6.